

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
“ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ” ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
МАРКАЗИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 330.5.057.7

ХАМДАМОВ ШОҲ-ЖАХОН РАХМАТ ЎҒЛИ

**БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШДА
ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ ЖАДАЛ ОМИЛЛАРИНИ
ФАОЛЛАШТИРИШ**

08.00.02 – “Макроиқтисодиёт” ихтисослиги бўйича

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. А.С.Усманов

Тошкент – 2022

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I- БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ БОБ. ТАЪМИНЛАШДА ЖАДАЛ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ ЖИХАТЛАРИ	14
1.1. § Барқарор ривожланиш ва жадал иқтисодий ўсишнинг назарий жихатлари	14
1.2. § Жадал иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари	26
1.3. § Жадал иқтисодий ўсишни таъминлашда жаҳон тажрибаси	38
II- БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ БОБ. ТАЪМИНЛАШДА ЖАДАЛ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ	49
2.1. § Барқарор ривожланишни таъминлашда макроиқтисодий тенденциялар ва яшил иқтисодий ўсиш таҳлили	49
2.2. § Барқарор ривожланишни таъминлашда жадал иқтисодий ўсиш ҳолати, индекслари таҳлили	65
2.3. § Ўзбекистонда барқарор ривожланишни таъминлашда жадал иқтисодий ўсиш омилларининг таъсир даражасини аниқлаш	74
III- ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАДАЛ ИҚТИСОДИЙ БОБ. ЎСИШ ОМИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	85
3.1. § Барқарор ривожланишни таъминлашда иқтисодий ўсишни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш йўналишлари	85
3.2. § Ўзбекистонда жадал иқтисодий ўсишнинг прогноз кўрсаткичлари ва уни ошириш йўналишлари	100
3.3. § Ўзбекистонда жадал иқтисодий ўсишни давлат томонидан ривожлантиришни ошириш йўллари	109
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	125
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	128
Илова	141

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тажрибасига кўра ривожланган давлатларда иқтисодий ўсишда жадал (интенсив) омиллар ҳиссаси устунлик қилса, ривожланаётган давлатларда экстенсив омиллар ҳиссаси устунлик қилмоқда. 2015 йилда БМТга аъзо давлатлар 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш дастурини қабул қилган¹. Ушбу дастурда иқтисодиётда самарадорликнинг ўсишига эришиш вазифасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда шу жиҳатдан ҳам барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда иқтисодий ўсишнинг жадал омилларини фаоллаштириш долзарб муаммолардан бири сифатида қаралмоқда.

Жаҳонда барқарор иқтисодий ўсишга эришишда бир қатор муаммоларнинг илмий ечимини таъминлаш юзасидан мақсадли илмий изланишлар ташкил қилинган. Бу борада ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсиши ва унинг омилларидан мақбул ҳамда оқилона фойдаланиш, иш билан бандлик даражаси ва меҳнат унумдорлигини ошириш асосида иқтисодий ўсишнинг ижтимоий жиҳатларини ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, муносиб макроиқтисодий сиёсат дастакларини қўллаш орқали барқарор иқтисодий ўсиш сифатини оширишнинг услубий ёндашувларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда барқарор ривожланишни таъминлашда иқтисодий ўсиш омилларидан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички

¹Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сон резолюцияси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги №841 сонли “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори.

маҳсулотнинг барқарор юкори ўсиш суръатларини таъминлаш»² муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берилди. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилишида жадал иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи муҳим омилларни аниқлаш, Ялпи унумдорлик омиллари кўрсаткичининг инновациялар ва давлат бошқаруви сифатига боғлиқ ҳолда ўсиши, макро ва микро кўламда ҳисоблашнинг услубий асосларини такомиллаштириш, инновациялар ва Ялпи унумдорлик омиллари динамикасидаги ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда кўп вариантли прогнозларни ишлаб чиқиш йўналишида илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегияси тўғрисида», 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сон «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 14 майдаги ПФ-5717-сон «Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 29 апрелдаги ПҚ-4300-сон «Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу илмий тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш,

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.